O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 7 феврал чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 27 (2589)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


## «Қобул Текстайл»нинг учқўприклик жияни

Учқўприкда хориж бозорларидан муқим ўрин эгаллаган «Қобул Текстайл», «ДЭУ текстайл», «Папфен» сингари замонавий тўқимачилик корхоналари маҳсулотларидан трикотаж ишлаб чиқарила бошланди. Тайёр мато ҳозирча Россия ва Украина бозорларини забт этди. Муҳими, юзга яқин қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлаган ушбу «УзХАН Ко ЛТД» — ўзбек-корейс компаниясини ёш тадбиркор Ҳасанжон Охунжонов деярли ўз сармояси ҳисобидан бунёд этди. Эндиги мақсад, ишлаб чиқариш қуввати ва сифатини ошириш ҳисобига корхонани кенгайтириб, яна 600 дан зиёд қишлоқ ёшларини доимий иш ўринлари билан таъминлаш. Мана буни чин маънодаги тадбиркорлик деса бўлади.



## Бир корхонада 60 хил маҳсулот

Хоразм вилоятидаги «Гурлан» акциядорлик жамиятида бугунги кунда 60 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бошқача айтганда, бу ерда йилига 3000 тонна пахта толаси қайта ишланиб, 2570 тонна хом сурп газламалари, шунингдек, 5,2 миллион дона трикотаж буюмлари тайёрланмоқда. Бундай натижага корхонада 18 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа амалиётга жорий этилганидан сўнг эришилди.

Айни кунларда жамият тайёр кийим-кечакларни Ҳамдўстлик давлатлари ва хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилмоқда.

*СУРАТЛАРДА: моҳир тикувчи Моҳира Авезмуродова; тикувчилик цехида.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Ёшлар ҳаракати қандай бўлиши керак?

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда Президент Ислом Каримовнинг мазкур гуруҳ аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда ҳаракатнинг Низоми ва Дастури лойиҳалари муҳокама этилмоқда.

Тошкент Давлат Аграр университетида бўлиб ўтган пойтахт вилоят ёшларининг йиғилишида мамлакатимиз ёшларини юрт ободлиги, Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, уларнинг орзу ва интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилаётган ҳаракатнинг қиёфаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўз борди. Юртбошимизнинг нутқида кўрсатиб ўтилган устувор вазифалар алоҳида таъкидланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини тузиш бўйича Жиззах вилояти ташаббус гуруҳи йиғилиши иштирокчилари ҳам ҳаракатнинг Низоми ва Дастури лойиҳасида акс эттирилган асосий қоидалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Уларнинг муҳокамаси ёшлар ўртасида яна давом эттирилиши лозимлигини таъкидлашди.

Навоийда бўлиб ўтган ташаббус гуруҳи йиғилишида сўзга чиққанлар ташкил этилаётган ижтимоий ҳаракат ҳаётий зарурат эканини алоҳида қайд этишди. Ҳаракатнинг ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, улар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш вазифалари акс эттирилган Низоми ва Дастури лойиҳасини қўллаб-қувватладилар. Уни ҳаётга янада яқинлаштириш борасида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бўлиб ўтаётган йиғилишларда ҳаракатнинг Низоми ва Дастури лойиҳаси қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир. Янги-янги таклифлар ўртага ташланмоқда. Уларни туманларда яна муҳокама этиш ҳамда таклиф ва мулоҳазаларни ташаббус гуруҳига етказиш тартиблари белгилаб олинмоқда. Шу мақсадда ташкил этилаётган вилоятлар ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланиб, уларнинг зиммасига лойиҳалар муҳокамасида барча ёшларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш вазифаси юкланмоқда.

**(ЎзА).**

## Буюк шоирга эҳтиром

Мамлакатимизда улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги кенг нишонланмоқда. Жойларда шу муносабат билан турли тадбир ва анжуманлар, навоийхонлик кечалари, учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Тошкентдаги муҳташам "Туркистон" саройида ҳам ана шу шонли санага бағишланган бадиий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Кечада Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов, республика маданият ишлари вазири Х.Жўраев ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимиз Истиқлоли Навоий ижодини, бой меросини чуқур, ҳар томонлама мукаммал ўрганиш ва тарғиб этиш учун кенг имкон яратиб берганини таъкидладилар. Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йил Алишер Навоий йили деб эълон қилингани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга бўлди. Шоирнинг "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам", деган сўзлари халқимизнинг бугунги миллий ўзликни англаш жараёнида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Шуниси қувончлики, айни вақтда буюк мутафаккирнинг бебаҳо маънавий мероси йигирма жилдлик тўплам ҳолида халқимизга тақдим этилмоқда. Шоир асарларининг янги қирраларини очиб беришга бағишланган илмий тадқиқотлар давом эттириляпти, китоб ва мақолалар чоп қилинмоқда. Зеро, ҳазратнинг миллий ва умумбашарий ғоялар билан йўғрилган ҳар бир асарининг халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдаги ўрни беқиёсдир.

Кечада Навоийнинг ўлмас ғазаллари, уларга басталанган куй ва қўшиқлар янгради.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Янги ўқув жиҳозлари кўргазмаси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги лицей ва коллежларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилган. Шу мақсадда Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида жорий йилда қуриб фойдаланишга топшириладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун мўлжалланган замонавий, сифатли мебель ва ўқув лаборатория жиҳозлари, шунингдек, бошқа ўқув ускуналарини тендер асосида сотиб олиш учун танлов кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмада республикамизнинг қирққа яқин ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулоти билан қатнашмоқда. Жумладан, "Ўзбекмебель" давлат акциядорлик бирлашмаси, "Файз" холдинг компанияси, "Қувамебель", "Эл" каби корхоналарда тайёрланган ўқув жиҳозлари, лингафон ва химия-физика лабораториялари учун ўқув-тажриба ускуналари бежиримлиги, сифати ва энг муҳими, хорижникидан қолишмаслиги билан эътиборни тортмоқда.

Шуни айтиш керакки, келгусида фойдаланишга топшириладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тендер комиссияси томонидан ғолиб деб топилган корхоналар маҳсулотлари билан жиҳозланади.

**(ЎзА).**



***Мустақил юртимизнинг кўркам, қулай, аъло сифатли «Нексия», «Дамас», «Тико»ларига бугун кимлар ҳаваланмайди, дейсиз? Кенг ва равон йўлларда елиб бораётган автомобилларимиз хорижнинг ҳар қандай енгил машиналари билан бўйлашса бўйлашадики, асло қолишмайди. Ўзбек автомобиллари учун ўтган йиллар ҳақиқий синов даври бўлди, десак янглишмаймиз. Автомобилларимиз мураккаб тоғ йўлларига, жазирама иссиққа, қаҳратон қиш совуқларига, қишлоқ кўчаларига, паст-баланд тупроқли дала сўқмоқларига бемалол бардош берди.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

## «НЕКСИЯ», «ТИКО»... «МАТИЗ»

Мунтазам равишда Тошкентга қатнайман, — дейди андижонлик тадбиркор Муҳаммаджон Режапов. — Ҳафтасига икки-уч мартадан бориб келган кунларим бўлди. Ўзиям «жони қаттиқ» машина экан «Тико»! Менинг ҳайдашимга унинг шалағи чиқиб, тўкилиб кетиши керак эди. Асло ундай бўлмади.

— Уч юз минг километрдан ортиқ йўл юрдим, — эътироф этади Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида истиқомат қилувчи яна бир тадбиркор Ғайратбек Бакиров. — Ишонасизми, «Дамас»имнинг моторига ҳали қўл теккизганим йўқ. Асл деҳқонбоп, серфарзанд оилабоп машина экан.

Ҳа, синовлардан муваффақиятли ўтиб, барчанинг ишончини оқлаган, ҳали машина кириб бормаган хонадон эгалари орзулаган автомобилларимиз — Истиқлол меваси.



Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси, бевосита раҳбарлиги, катта амалий ёрдами туфайли барпо этилган қўшма корхона Мустақиллигимиз билан қарийб тенгдош. 1992 йилнинг 24 августида аҳолиси ўта зич бўлган Асакада автомобиль заводи қуриш ҳақида Жанубий Корея ишбилармонлари билан шартнома имзоланган бўлса, 1996 йилнинг 19 июлида «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдимоти ўтказилди — биринчи ўзбек автомобиллари ишлаб чиқарилди. Бу корхона беш мингдан зиёд маҳаллий ёшларни ўз бағрига олди. Жанубий Корея корхоналарида касб маҳоратларини ошириб қайтган минглаб ёшлар ўзларининг муқим иш жойига эга бўлдилар. Ўшандан буён 200 мингдан зиёд автомобиль ички ва ташқи бозорга дадил кириб борди.

Ўтган даврда, шунингдек, жойларда Асакадаги бош корхонага бутловчи қисмлар етказиб берувчи ўнга яқин қўшма корхона очилдики, эндиликда гўзал ва маҳобатли биноларнинг кенг ва ёруғ цехларида минглаб йигит-қизлар сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Шуни фахр билан таъкидлаш ўринлики, бултур «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси Ҳамдўстлик мамлакатларидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида биринчи бўлиб халқаро стандарт — ИСО-9001 сертификатига сазовор бўлди. Бу «ЎзДЭУавто» маҳсулотлари жаҳон андозалари асосида тайёрланаётганлигининг тасдиғи, Ўзбекистон автомобилсозлигининг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлиб, корхонанинг экспорт салоҳиятини янада оширди.

Маълумки, эҳтиёжга қараб бозор талаблари ҳам ўзгариб боради. Бугунги кунда жаҳонда, хусусан, Европада кичик ва ўрта сиғимли автомобилларга эҳтиёж катта. «Матиз» ана шундай автомобиллар сирасига киради. Буни тушунган «ЎзДЭУавто» жамоаси режали изланишларни рўёбга чиқараяпти. Ўзаро келишув асосида «Нексия-2», «Матиз» автомобилларининг янги лойиҳаси тайёрланди. Бу лойиҳаларнинг амалга ошиши автомобиль заводининг замонга ҳамқадам равишда фаолият кўрсатаётганини тасдиқлайди.

Бундан икки йил аввал россиялик ишбилармонлар мамлакатимизга ташриф буюрганларида, кўпчиликнинг кўз ўнгида «Матиз» автомобили намойиш этилган эди. Ўшанда шундай чиройли автомобиллар юртимизда ишлаб чиқарилишини орзу қилган эдик. Бугунга келиб, ана шу ниятларимиз ушаладиган бўлди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея мамлакатлари мутахассислари иштирокида ўтказилган анжуманда янги русумдаги «Матиз» автомобилини ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама этилди.

Жанубий Корея «ДЭУ Паблик Моторс» корпорациясининг Ўзбекистон лойиҳаси раҳбари, жаноб Дак Те Ким, «Ўзавтосаноат» уюшмаси раисининг ўринбосари Аҳмаджон Хаққуловларнинг айтишича, янги лойиҳанинг амалга оширилиши бир-биридан чиройли автомобилларни ишлаб чиқариш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, энг асосийси, Асакадаги автогигантнинг обрўсини кўтариш имконини беради.

— «Матиз» автомобилларини ишлаб чиқариш лойиҳаси давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан бошланган, — дейди «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг режалаштириш бўйича директори Эркинжон Иминов. — Лойиҳа «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасида йилига 60 минг «Матиз» автомобилларини ишлаб чиқариш имкониятини беради. Лойиҳани амалга оширишда корхонамизнинг ўз маблағларидан фойдаланилган ҳолда, Жанубий Кореянинг Экспорт-импорт банки ҳамда Ўзбекистон Миллий банки билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Бугун Кореядан келган 12 нафар техник мутахассис билан биргаликда якуний қурилиш-монтаж ишлари режаси қабул қилинди. Юртимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрами арафасида «Матиз» автомобилларини ишлаб чиқариш бошланади. Бошқача айтганда, август ойи охирида бизнес-режага мувофиқ, 52 мингта автомобиль ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Шундан 7 мингтасини «Матиз» автомобиллари ташкил қилади.

Хўш, «Матиз» ўз авлодларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

Лойиҳа муҳокамасига бағишланган анжуманда ана шу масалага ҳам ойдинлик киритилди: аввало, автомобилнинг қуввати ортиқ, бурилиш бурчаги юқори, ёнилғини кам сарфлайди. Салони «Тико»никидан бироз кенг. Ҳар қандай шароит ва иқлимга бардошли. Бошқариш қулай. Ташқи кўриниши эътиборли.

Биз корхона цехларини айланар эканмиз, шу нарсага амин бўлдикки, маҳсулот сифатидан тортиб иш шароитлари, ишчи-хизматчиларнинг кийиниши, муомаласи ва ҳатто меҳнат қилиши жараёнларида ҳам ибратлилик мужассам. Энг муҳими, илғор технология ва орттирилган бой тажриба асосида ишончли, мустаҳкам, хавфсиз ва тежамли «Матиз» автомобилларини сифатли, кўркам тайёрлаш учун ҳозирлик кўриш ишлари режали олиб борилаётир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2001 йил — Оналар ва болалар йили

## Жамиятнинг гули билан ғунчаси

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» давлат дастури тўғрисида»-ги Қарори Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Соғлом авлод йилида бошланган хайрли ишларни давом эттириш борасида янги саҳифалар очиб беради. Она ва бола ҳимоясининг давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиши, мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш соғлому гўзал келажак учун қилинаётган ғамхўрликдир. Турли касб эгалари ўз мулоҳазаларида бу фикрни қайта-қайта таъкидламоқдалар.***

**Ҳалима ИБОДУЛЛАЕВА, Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари:**

— Ўтган асрнинг сўнгги йили Соғлиқни сақлаш тизими солномасига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Чунки мустақиллигимизнинг 9 йиллиги нишонланган қутлуғ кунда Оролбўйи оналари ва болаларининг саломатлигини мустаҳкамлайдиган маскан — Ўзбекистон акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти шохобчаси очилиб, ушбу Оналар ва болалар маркази учун Нукуснинг энг янги иншооти ажратилди. 300 ўринли бу шифохона Япония гранти асосида тиббиётнинг энг сўнгги ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, замонавий скринииг муассасасига эга. У ерда болани она қорнидалик пайтидан бошлаб авайлаб-асраш, ирсий ва бошқа хасталиклардан фориғ этиш учун барча шарт-шароитлар бор. Айниқса, ЮНИСЕФнинг ушбу шифохонага берган ёрдами қувончли бўлди. Айни кунда шохобчада ўнлаб оналар ва болалар даволанмоқда. Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик вазият аҳоли, хусусан, аёлларимиз орасида турли касалликларни келтириб чиқариши мумкинлигини биламиз. Бизнинг вазифамиз бу касалликларнинг олдини олиш ва узил-кесил даволашдир.

**Ўролой ОТАНИЁЗОВА, Нукусдаги «Перзент» ноҳукумат маркази бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати, халқаро Голдман мукофоти соҳибаси:**

— Ўтган йилнинг айни шу саналарида мен Женева шаҳридаги илмий анжуманда иштирок этаётган эдим. Ўша ерда туриб АҚШнинг халқаро Голдман мукофотига мушарраф бўлганимни эшитдим. Камтарона хизматим уммон ортида эътироф этилгани мени жуда қувонтирди, албатта. Сўнгра Сан-Франциско шаҳрида, Америка заминида бўлиб қиймати 125 минг долларга тенг мукофотни таъсисчининг ўз қўлидан олдим. Бу маблағни биринчи навбатда Оролбўйи оналари ва болаларининг эҳтиёжларига сарфладик. Нукусда, Қанғликўл туманида ва бошқа қатор жойларда уларнинг даволаниши учун шарт-шароитлар яратдик.

Минтақамиз аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилиш борасида қанчалик якдил бўлиб ишласак шунча яхши.

**Давлатбой ЖЎРАБЕКОВ, Чимбой туман халқ таълими бўлими мудири, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси:**

— Мен чорак асрдан буён халқ таълими соҳасида ишлаб келаман. Озми, кўпми, тажрибага эгаман. Шунинг учун ҳам коммунистик партиянинг «муқаддас манфаат»лари инсон манфаатларидан минг бора устун турган шўро даври билан бугунги озод, обод кунларимиз орасида ер билан осмонча фарқ борлигига ақлим етади.

Ёш авлод — мамлакатнинг эртанги эгалари ҳисобланади. Уларга алоҳида эътибор берилмоқда. Она соғлом бўлса, ўша уй чароғон бўлади. Бола соғлом бўлса, ўша уйда қаҳқаҳа янграйди. Иккови ҳам соғлом бўлса — соғлом ҳаёт асоси яратилади.

**Марям РАЖАБОВА, педагогика фанлари номзоди, I-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси:**

— Ҳар қандай давлатнинг, ҳар қандай жамиятнинг куч-қудрати унинг оналарга ва болаларга муносабатида намоён бўлади. Яширишнинг кераги йўқ: собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан давлатлардан бирортаси биздагидек ёш авлоднинг илм олиши, касб-ҳунар эгаллаши, оналар ва болалар соғлиги муҳофазасига бу қадар кўп маблағ ажратаётгани йўқ. Буни яқинда Москва давлат университетидек улкан олий ўқув юрти ректори ҳам баралла айтди.

«Она ва бола» давлат дастури озод юртнинг соғлом оналари учинчи мингйилликнинг Берунийлари, Синолари, Улуғбеклари, Навоийларини оқ ювиб, оқ тарашлари, комиллик йўргагига ўрашлари учун шарт-шароит ва имкон яратади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ**
**ёзиб олди.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

# ҒУРУР ВА СУРУР

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ғурур сўзига қуйидагича шарҳ берилган: инсоннинг бирор нарсадан мамнун бўлиб фахрланиш ҳисси; фахр ифтихор.

XX асрнинг энг буюк ҳодисаси — Мустақиллик ҳар бир ўзбекистонликнинг ғururидир!

Истиқлол — мустабидлик қўрғонларини бузиб, қарамлик занжирларини узиб ташлаган ғурурдир!

Истиқлол Ўзбекистон халқининг қаддини тиклаган, ер юзининг жаннатмакон бир гўшасида ўзбек деган ниҳоятда содда, тўпори, танти, бағрикенг, ўлгудай меҳнаткаш халқ яшашини бутун дунёга аён этган қудратли ва журъатли ғурурдир!

Ғурур сўзининг таъми нон исидек ширин, ҳаво билан сувдек азиз. Уни кекса ота-онамиздек, мурғак гўдагимиздек ардоқда эъзозлаб, еру кўкка ишонмасдан, бошимизда кўтариб юрсак арзийди. Кўксимизга, юрагимизга, вужудимизга жойлаб яшайлик, уни! Чунки озодликка эришиш учун олиб борилган узундан узоқ курашларда ғуруримиз кўп бор ўксиди, топталди ва қон йиғлади.

Ҳурлик ва озодлик йўлида шаҳид кетган буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирий юрт озодлиги ҳақида «Ўтган кунлар» романида Юсуфбек Ҳожи тилидан шундай ёзади: **«Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилмадим. Иттифоқ нелигини билмаган, ёлғиз ўз манфаати йўлида бир-бирини еб-ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди».**

Адиб ҳақ эди. Чиндан-да юртимиз тарихида зулматли кунлар кўп бўлди. Бойлик ва шон-шуҳрат васвасаси дардидаги ҳар нокас унга тош отиб кўрди. Юнон, мўғул босқинлари унинг тараққиётини анча орқага суриб юборди. Ғуруримиз йиғлади. Чор Россияси, сўнгра шўролар зулмидан минглаб ўзбек ўғлонлари кафансиз кўмилди. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Элбеклар... шаҳид кетдилар. Тобелик ва қуллик кишанига кўникиб, хор-зор юрган кезларида халқимиз жуда кўп нарса йўқотди. Лекин ғururини сақлаб қола билди.

Ойнинг ёруғ ўн бешидаги оламшумул воқеа ғуруримизни осмон қадар юксалтирди. Ватанимиз — Ўзбекистон 1991 йил 31 август куни ўз мустақиллигини эълон қилди.

Истиқлол, аввало, руҳиятни уйғотди. Мудроқ вужудимизга шижоат солди. Бугун мамлакатимизда янги жамият барпо этилмоқда, янгича бошқариш тизимлари шаклланмоқда. Дастлабки пайтларда, агар Ўзбекистон мустақил бўлса, халқи оч қолади, уни ўзга давлатлар босиб олиши мумкин, — деб каромат қилувчилар ҳам йўқ эмасди. Ўшандай бир пайтда Юртбошимиз ўз халқини омон сақлади, унга мададкор бўлди. Чексиз меҳр билан, чексиз талабчанлик билан жамиятни, одамларни бошқарди.

Натижаси аён: одамлар жамиятда ва ўз ҳаётларида ижобий ўзгаришлар бўлишига ишона бошладилар.

Президентимиз мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий ўзбек давлатчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, тарихий ҳақиқат ва миллий анъаналаримизни тиклаш, кучли ижтимоий сиёсат, тамомила янги, ўзига хос таълим тизимини яратиш, янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар устуворлигини, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш, тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириш ташаббускори сифатида майдонга чиқди.

Бугун ҳаётда рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришлар, бир қадар маънавий юксалишлардан қувонган ҳолда, баъзан... сергак тортиб қоламан. Назаримда, истиқлолдан жуда кўп нарса кутиб, талаб қилиб, ўзимиз унга ҳеч нима бермаётганга, қадр туйғусини унутиб, алҳол қорин ташвиши билан яшаётганга, миллий ғурур туйғусини тўла тушуниб етмаётганга, ҳамма нарса учун фақат Президент ўйлаши, жон куйдириши керак, деб фикрлашга ўрганиб қолаётганга ўхшаймиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ғурур сўзининг иккинчи бир изоҳи ҳам бор: инсоннинг ўз қадр-қимматини билиш, уни ҳурмат қилиш ҳисси. Дарвоқе, одамзот ўз қадрини, ўзлигини билмагунча, ўзида миллатни ҳимоя қилиш туйғусини камол топтирмагунча ўтмишининг ҳам, эртасининг ҳам қадрига етмайди. Ғурури бор одам халқининг, ғурурли халқ эса Ватанининг обрўсига обрў, шуҳратига шуҳрат қўшади.

Ўз Мадҳияси, Қомуси, Герби ва ўз Байроғига эга бўлган юртимиз — Ўзбекистон бизнинг мангу ғуруримиздир. Юртимизга бўлган чексиз меҳримиз, туйған ғуруримиз бизни маънавий янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиради. Она-Ватандан фахрланиш ва ғурурланиш туйғусини бут сақлаш ҳамда уни келгуси авлодларга етказиш, энг биринчи навбатда, ўзимизга боғлиқ.

Ана шу шараф ва саодатнинг уддасидан чиқиш янги асрда ҳар биримизга насиб этсин!

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ИЗЛАНГАН ЮТАДИ

Дарҳақиқат шундай. Меҳнат қилишни истаган одам имкон қидиради. Изланади, ўқиб ўрганади... ва ниҳоят йўриғини топади. Машаққатдан кейинги муваффақият эса ғоят тотли бўлади. Жалолқудуқдаги «Подшивник» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам ашё етишмаслигидан бироз бўлсада саросимага тушишганди...

Бироқ жалолқудуқликлар имконини топишди. Ҳозир корхонада подшивникдан ташқари ёнғинга қарши кураш асбоб-ускуналари, ташкилотлар ва аҳоли учун турли темир анжомлар тайёрлаш йўлга қўйилган. ЎзДЭУ корхонаси билан мустаҳкам алоқа боғланган.

Шунингдек, корхона Словакия ва Германиядаги тадбиркорлар билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйишган. Россиянинг «РОЛТОМ» корхонаси билан тузилган шартнома эса нафақат «Подшивник»нинг бир маромда узлуксиз ишлашини таъминлайди, балки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тўлиқ сотилишини ҳам кафолатлайди. Шартнома амалга киргач, корхонада ишлаётганлар сони яна 50 нафарга кўпаяди. Бу 300 дан зиёд ёшлар доимий иш ўринлари билан таъминланди, деганидир.

**СУРАТДА:** илғор ишчи Қобилжон Отабоев.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Техник сервис хизмати

# «TELDA-TASH»НИНГ МИЖОЗЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда ҳаётимизни замонавий технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яқин пайтларга қадар уяли телефонлар, компьютеру видеоаппаратлар, ксерокопия ва факсларни хориж фильмларидагина кўриш мумкин эди. Эндиликда эса бундай замонавий аппаратлар турмуш тарзимизга сингиб, оддий бир ҳолга айланиб бормоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган “TELDA-TASH” Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси мамлакатимизга ана шундай ғаройиб ускуналар келтириб ўрнатадиган ва уларга техник сервис хизмати кўрсатадиган ташкилотлардан саналади.

Ўтган қисқа вақт ичида бу корхона аҳлининг саъй-ҳаракати туфайли салкам 600 та йирик корхона ва ташкилот жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий алоқа ускуналари, мини АТСлар, ёнғиндан огоҳлантирувчи мосламалар, кўзга ташланмайдиган қўриқлаш аппаратлари, теленазорат камералари, офисда туриб ҳовли дарвозаси олдида турган киши билан бемалол гаплаша оладиган митти ускуналар билан таъминланди. Буларнинг бариси буюртмачилар дидига маъқул келмоқда, мижозлар оғирини енгил қилмоқда.

Шу боис ушбу замонавий алоқа ускуналарига талаб кун сайин ортмоқда. Айниқса, “Чорсу”, “Турон”, “Афросиёб”, “Хоразм”, “Тошкент” сингари йирик меҳмонхоналар, республика Маданият ишлари вазирлиги, Навоий тоғ-металлургия комбинати, Тошкент лакбўёқ заводи, “Ўзтрансгаз”, “Тошкентлифт” каби юздан ортиқ корхона, ташкилотлар, шунингдек, республикамиздаги мавжуд банкларнинг қарийб 50 фоизи қўшма корхона хизматидан мамнун.

— Шу пайтга қадар бирорта жойда ускуналаримизнинг панд бериб қўйганлигини эслай олмайман, — дейди қўшма корхона бош директори Б. Садишев. — Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки корхонамиз қошида малакали мутахассислардан иборат марказ ташкил этилган бўлиб, бу марказ аҳли буюртма турига қараб, пойтахтлик мижозларга уч соат ичида кафолатланган техник хизмат кўрсата олади.

Шуни таъкидлаш керакки, мижозларга биз таклиф қилаётган ускуналар орасида мини АТСларга бўлган талаб юқори. Сабаби — корхона ва ташкилотлар ундан фойдаланаётганда алоқа тизими учун сарфланадиган харажатларни икки бараварга, электр қувватини эса 80 фоизга иқтисод қилиб қолиш имконига эга бўлишади. Бундан ташқари, мазкур АТСлар ўзининг электр заҳирасига ҳам эга бўлиб, линиялар бандлигига қарамасдан, бирйўла 480 та абонентга хизмат кўрсата олади. Қолаверса, мижоз унинг ички ва ташқи рақамлари орқали истаган шаҳри ва хоҳлаган хорижий давлатга қўнғироқ қилиши мумкин.

Яқиндан бошлаб эса ушбу қўшма корхона аҳли томонидан мижозларга рақамдан рақамга уловчи, турли хил телефон орқали бўладиган суҳбатларни автоматик равишда боғлаб берадиган замонавий телефон аппаратлари ҳам таклиф этилмоқда.

“TELDA-TASH” қўшма корхонаси жамоасининг мақсади битта: мамлакатимиздаги кўплаб ташкилотларнинг алоқа воситаларини жаҳон андозалари даражасига яқинлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишдир.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

Қишлоқ хўжалиги: ислоҳот самаралари

# «Энди ишламаса бўлмайди...»

***Мингбулоқ тумани ҳокими М.Усмоновнинг хонасида мўъжазгина харита пайдо бўлди. Тумандаги суғориш тармоқлари тархи туширилган бу ҳужжатда тозаланиши зарур бўлган иншоотлар устига алоҳида белгилар қўйиб чиқилган. Улар анчагина.***

«Туманимизда пахта тайёрлаш режаси охирги марта қачон бажарилгани одамларнинг эсидан ҳам чиқиб кетди-ёв...»

Марказий Фарғона чўллари этагида жойлашган Мингбулоқ тумани қишлоқларида бўлсангиз, шу мазмундаги гапларни бот-бот эшитишга тўғри келади. Бу, албатта, бежиз эмас. Маълум бўлишича, сўнгги ғалаба хабарномаси 1994 йилда имзоланган экан. Кейинги беш йил мобайнида қишлоқ хўжалигида ҳам, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам фақат орқага кетиш кузатилди. Ҳайтовур, бултур ишлар сал юришгандай бўлди.

— Ўтган йили давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини уддаладик. Пахта ҳосилдорлиги олдинги йилдагига нисбатан 3,8 центнерга ошди. Аммо барибир мўлжалдаги хирмонни тиклай олмадик, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Деҳқонов. — Гапнинг рости, экинзорларимизни шўр босиб кетди. Одам айтгани уялади, гектаридан 5-6 центнердан пахта олинаётган ерлар бор. Айб ўзимизда. Заҳкаш ва зовурларни вақтида тозалай олмадик. Натижада заҳ сув ер юзасига чиқиб, ҳосилга панд берди. Бултур мавжуд экскаваторлар орқали сув йўлларини кучимиз етганича равонлаштирдик. Аён бўлдики, бунда ҳикмат кўп экан. Тажриба кўзимизни очди.

Б.Деҳқоновнинг айтишича, мавжуд 32 минг 862 гектар экинзорнинг 16 минг 300 гектарида шўр ювиш амалга оширилиши керак. Бу туманнинг эллик фоиз даласида қишда ҳам иш тўхтамайди, дегани. Шундай қилинмаса, уруғни тўла ундириб олиш мушкул. Мана, бир мисол. «Наманган» ширкат хўжалигининг Солижон Мамажонов бош пудратчи бўлган жамоаси тасарруфида 36 гектар экинзор мавжуд. Ўтган йили бу ерда атиги 6 центнердан ҳосил етиштирилди. Асосий сабаб шўр сувларни тортиб турадиган заҳкашнинг беш йилдан буён тозаланмагани ва кўмилиб қолганидир. Маълум бўлишича, ернинг шўри ювилгани билан айни чигит экилаётган паллада тузлар ер бетига кўтарилиб, уруғни куйдириб юборибди.

— Бунақа майдонлар оз эмас. Вилоят ҳокимлиги юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, масалани ижобий ҳал этиш йўлларини излаяпти, — сўзини давом эттиради Б. Деҳқонов. — Қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни амалга оширмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Хўжаликларда саноқли техникалар қолган. Уларнинг аксарияти эски, таъмирталаб. Бундай вазиятда ақл ва тадбир билан иш тутган деҳқонгина ютади.

Дарҳақиқат, Наманган вилоят ҳокимлигининг 2000 йил тўртинчи чораги ва 2001 йилда туманларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида қабул қилган қарори мингбулоқликлар учун айни муддао бўлди. Унга кўра, туманда ирригация-мелиорация тадбирлари учун 169 миллион сўм маблағ ажратилди. Яқин вақт ичида мавжуд 2788 километр узунликдаги суғориш тармоқлари тубдан таъмирланиши керак. Албатта, бундан биринчи навбатда хўжаликларнинг ўзи манфаатдор. Шу боис бевосита улар томонидан 150 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилиши кўзда тутилмоқда.

Айни кеча-кундузда туман хўжаликларида 42 та экскаватор, 65 та бульдозер ва бошқа механизмлар кучидан унумли фойдаланилаяпти. Уларнинг аксарияти вилоят ташкилотларидан сафарбар этилган. Кечагина вилоят ҳокими қўшимча техника воситаларини ёрдамга жалб этиш тўғрисида кўрсатма берди. Мақсад — деҳқон мушкулини осон қилиш, 50 минг тоннага яқин пахта берадиган туманда ирригация-мелиорация тармоқлари фаолиятини яхшилашдир.

Ҳақиқий деҳқон ўз ишини билиб қилади. Мингбулоқликларнинг бошқалардан қаери кам? Сув танқислиги ҳақида гапиришга ўрин йўқ. Фақат ерни тайёрлашдан токи ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган даврда агротехника талабларига тўла риоя қилинса, техника ва ўғитдан оқилона фойдаланилса, кифоя. Қолаверса ҳозирги кунда туманда олиб борилаётган ирригация-мелиорация тадбирлари пировард натижада ўз самарасини бериши аниқ.

Мутахассисларнинг фикрича, қишки дала юмушларининг бориши бултургидан бир ой олдинда. Жойлардаги аҳволни кузатиб, биз ҳам бунга амин бўлдик. Энди ҳамма гап ана шу маромни сақлаб қолишда. Куч етарли, имкониятлар бор. Улардан оқилона фойдаланган ҳолда мўл ҳосилга пухта ва ишончли замин яратилса, бу йил мингбулоқлик деҳқонларнинг ҳам косаси оқариб, юзлари ёруғ бўлиши тайин.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ажабо

# Бу ғирромлик эмасми?

**Қанд еяман деб қалампир чайнаб олган одам қай аҳволга тушган бўлса, мен ҳам кулгили, ҳам аламли ҳолни бошимдан кечирдим. Икки йил аввал халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг «Аёл бахти» деб номланган лаҳзалик лотореясига «Дамас» микроавтобуси ютиб, қувончимни еру кўкка сиғдира олмаган бўлсам, ўша ютуқни ҳалига қадар ололмай юрибман. Ютуқ умидида Андижондан Тошкентга неча марта қатнаганим, қайси идораларнинг эшигига бош урганим, кимларнинг олдида умидвор бўлганим бир ўзимга аён.**

**— Ўзи бор ютуқми ёки ўйинларинг ғирромми? — сўрадим «Наврўз» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, жаноб Қ.Шодиевдан.**

**— 2000 йилнинг июл ойи охиригача «Дамас» машина олиб берилади, — қўшимча хат тутқазиб, қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдирди, бу муҳтарам зот.**

**— Кутинг, албатта оласиз ўша машинани, — баҳоналарни қалаштириб ташлади жамғарма бош ҳисобчиси Р.Султонова билан лотореямни қабул қилиб олган ғазначи А.Саъиндиковлар.**

**Ҳар нарсанинг чегараси бор. Жумладан, ютуқниям. Ахир ўша лотореянинг орқа томонига ютуқ узоғи билан икки ой ичида берилиши ёзиб қўйилган-ку, биродарлар!**

**Абдуолим ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Андижон шаҳри.**

Ислоҳот одамлари

***«Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мутаносиб равишда фойдаланиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асоси бўлмоғи даркор».***

**(Президент Ислом Каримовнинг Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида сўзлаган нутқидан).**

# ПИСКЕНТЛИК

## Ҳовлисида бойлик яратган иқтисодчи

Мустақиллик йилларида қишлоқда мулкчиликнинг турли кўринишларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари сони кўпайиб бормоқда. Хомашё манбаи, ишчи кучи ва аҳолининг азалий касб-корини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилаётган бундай жамоаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат истеъмол бозорини тўлдиришга хизмат қилмоқда, балки янгидан-янги иш ўринларини вужудга келтириш имконини беряпти.

Тошкент вилоятидаги Пискент шаҳри аҳолиси азалдан ўзининг тадбиркорлиги, уддабуронлиги билан танилган. Айниқса, истиқлол йилларида улар турли хил сифатли, бежирим, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара бошладилар. Бу маҳсулотлар эса нафақат мамлакатимиз истеъмол бозорини тўлдираяпти, балки шартнома асосида МДҲ республикаларига ҳам жўнатилаяпти.

Бир мисол. Бахтиёр Ғозихонов — олий маълумотли иқтисодчи. У институтни битиргач, ўз мутахассислиги бўйича 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида турли хил ташкилотларда ишлади. Ниҳоят, оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, ҳовлисида деҳқон хўжалиги очиш, мол боқиб, гўштини шартнома асосида ташкилотларга етказиб беришга қарор қилди. Шу мақсадда бозордан олти бош қорамол сотиб олди. Қараса, уларнинг ёнида яна бир неча бош молни парвариш қилса бўлади. Лекин пул масаласида ўйланиб қолди. Шунда унинг хаёлига бир фикр келди: банкдан кредит сўраб кўрса қандай бўларкин? «Тадбиркорбанк» ходимлари уни қўллаб-қувватлашди. Бизнес-режага мувофиқ, икки йил муддатга бир миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилди. Олинган маблағнинг 750 минг сўмига бозордан яна 6 бош буқа сотиб олди. Қолган пулга жониворларга ем харид қилди. Юмушларни оила аъзоларининг ўзи эплашди. Ишлар юришиб кетди. Моллар семириб, сўйишга тайёр бўлгач, гўштни Олмалиқ шаҳридаги ҳудудий тиббиёт бирлашмасига сотиш бўйича шартнома тузилди. Йил охиригача 6,5 тонна гўшт сотилди. Бунинг эвазига 1,4 миллион сўм соф фойда қўлга киритилди.

— Ҳукуматимизнинг тадбиркорларга ғамхўрлик кўрсатаётганидан, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, зарур имтиёзлар яратаётганидан хурсандмиз, — дейди деҳқон хўжалиги бошлиғи Бахтиёр Ғозихонов. — Масалан, мана мен фаолиятимни бошлаганимга бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин ишни йўлга қўйиб олдим. Бунда, айниқса, банкдан берилган кредит жуда қўл келди. Ҳозир хўжалигимнинг иқтисодиёти яхши. Бир маромда фаолият кўрсатмоқда.

Шу ўринда барча деҳқон ва фермер хўжаликларининг янада кенг кўламда иш юритишига халақит бераётган бир муаммо тўғрисида тўхталмоқчиман. Биз банкдаги ҳисоб-рақамимизга келиб тушаётган пулнинг ярмини нақд ҳолда олишимиз мумкин. Эҳтиёжимизга зарур бўладиган ем, озуқа ва бошқа керакли воситаларни, шунингдек, қорамолларни фақат бозордан сотиб оламиз. Табиийки, бунинг учун маблағ етишмайди. Пул ўтказиш йўли билан уларни бизга берадиган ташкилотнинг ўзи йўқ. Шу боис туман марказларида кунжара ва шелуха маҳсулотларини сотадиган дўконлар ташкил қилинса, шунингдек, наслли, зотдор молларни харид қилиш мумкин бўлган хўжаликлар кўпайса, айни муддао бўларди.

Биз ўз ҳовлисида деҳқон хўжалиги ташкил қилиб, ундан катта даромад олаётган, етиштираётган маҳсулоти билан нафақат оиласини боқаётган, балки уни аҳолига ҳам етказиб бераётган, муҳими, бир неча янги ишчи ўрни ташкил қилган хонадон тўғрисида ҳикоя қилдик. Шунинг ўзиёқ тадбиркорлик имкониятлари катта, чегараси йўқлигидан далолат бериб турибди.

## Экспортбоп маҳсулот

Пискентда «Кенаф» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси ташкил этилганига тўрт йилдан ошди. У брезент ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Чунки илгари бу маҳсулот «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва баъзи вазирликлар томонидан четдан валюта ҳисобига олиб келинарди. Эндиликда улар ҳам брезентни Пискентдаги корхонадан олишмоқда.

Ўтган йилнинг ноябр ойида маъмурият қўшма корхона фаолиятини янада кенгайтириш учун хориждан дастгоҳлар сотиб олмоқчи бўлди. «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими жамоанинг бизнес-режасини кўриб чиққач, 35 миллион сўм кредит ажратди. Янги дастгоҳлар, табиийки, дастлабки ойлардаёқ ишлаб чиқариш суръатининг ўсишига кўмаклашди. Масалан, ўтган йилнинг ноябр ойида 43 минг, декабр ойида 47,5 минг погон метр, жорий йилнинг 20 январигача 60 минг погон метр брезент ишлаб чиқарилди. Эътиборлиси, маҳсулотлар омборда туриб

# Она рози — Ватан рози...

Не-не умид ва азоблар ила тўққиз ой-у тўққиз кунни юраги остида кўтариб юрган она туғруқхонага йўл олар экан: «Эй, Оллоҳ, фарзанд берсанг, бекаму кўст, доно, паҳлавон, инсофи, иймони билан бергин. Эсон-омон болажонимни бағримга босиб ўз гўшамга қайтай», дея илтижолар қилади.

Ҳа, эсон-омон! Ҳаёт ва мамотнинг қил кўпригидан қаҳрамонларча ўтган Она ўз зурёдини қўлга олаётиб бутун вужудидаги барча оғриқларни ўша заҳотиёқ унутади. Оила қувончини, ҳис-ҳаяжонлар тошқинини эса сўз билан ифодалаш қийин. Ахир Инсон дунёга келди! Ота-она, қариндош-уруғ бир бўлишиб унга муносиб исм қидиришади. Ўғил бўлса — Алишер, Бобур, Собир, Ойбек... Қиз бўлса — Барчиной, Тўмарис, Покиза, Олмос, Лайли...Бундай улуғ номларни ота-она беҳудага қўймас. Фарзандларимиз билими, эл-юртига садоқати, фидойилиги билан ул асл зотларга ўхшасин, деб орзу қилишади, Ва ўз орзусига етганлар, уларга ҳавас этганлар беҳисоб...

Яқинда ойнаижаҳон дунё саҳнида мағрур туриб Ўзбекистон мадҳияси остида ўзбек байроғини баланд кўтарган жаҳон чемпиони полвон Муҳаммадқодир Абдуллаев оиласини кўрсатди. Мен бу довюрак ўғлонни вояга етказган ота-онаper ифтихор тўла севинчли чеҳраларига, кулган кўзларига боқиб тўймадим. Қандай бахт бу ота-она учун, дея ҳайқиргим келди. Оддий бир қишлоқдан чиққан деҳқон ўғли улкан муваффақияти билан нафақат ўз оиласига, қариндош-уруғларига, устозларига, балки Ўзбекистон аталмиш буюк мамлакатга шон-шуҳрат ва шараф олакелди. Айниқса, Юртбошимиз Муҳаммадқодирни ўз ўғлидек бағрига босиб, кўксига орден таққанида, ота-онанинг шодлигини тасаввур қилинг-а! Ҳа, яна бир жигарпорамиз — Муҳаммадқодир Ватан ишончини оқлади!

* * *

Шу топда қадимдан қолган бир ривоят ёдимга тушди. Кунлардан бир кун бир пайтда, бир жойда икки аёлнинг кўзи ёрибди. Иккаласи ҳам ўғил кўрибди. Аммо бир неча дақиқалардан сўнг бирининг чақалоғи оламдан ўтибди. Доя қўлида қолган бир гўдакни эса иккала она «бу менинг болам, сеники ўлган», дея талашиб кетишибди. Баҳс шоҳгача етиб борибди. Жанжални ҳал қилмоқ учун подшоҳ ҳар иккала онани ҳузурига чорлаб «болани йўқ қилингиз, токи ҳар иккала онага ҳам бўлмагай» дея фармойиш берибди. Шунда оналарнинг бири подшоҳ оёғига йиқилиб, «олампаноҳ болани омон қолдирингиз, унинг ўрнига мени қатл этингиз», дея ёлворибди. Подшо кутилмаганда «Бошингни кўтар она, бола сеники экан, болани ўз онасига қайтаринг» дея буюрибди.

**Огоҳлик**

Нима учун мен бу ривоятни эсладим? Тошкентда содир бўлган 16 феврал воқеалари қатнашчилари судида экстремист жиноятчи Улуғбек исмли хушбичим бир йигит ҳам ўтирарди. У мухбирнинг саволига берган жавобида «Отам-онам ўзларини осиб қўйишди. Мен ҳар қандай жазога лойиқман», деганида аъзои-баданим титраб, бўғзимни нимадир сиқиб, қолди. Оналар ҳар қачон, ҳар қаерда фарзанди учун фидойижон бўлсалару болаларнинг кўнгли қаёқда?! Емай едириб, киймай кийдириб, оқ ювиб, оқ тараб ўстирган ўғилдан нима кўрди?! Жафо, кулфат, изтиробми? Ватанфурушликними? Бундай шармандаликни кўтаргандан кўра ўлимни кўтармоқ, албатта, осонроқ эди уларга. Улуғбек, эсиз сенга шундай улуғ ном, исноднинг ўзингга буюрсин! Ватан сотқинларига қўшилиб нима орттирдинг? Онадан, отадан, уй-жойингдан айрилганинг Оллоҳнинг жазоси эмасми? Ҳуснингга қараб одам тўймайди. Ҳа, сени шундоқ барваста қилиб яратган, вояга етказган ота-онанг эди! Сен эса... уларнинг қотили бўлдинг. Онажонингнинг сийлаб, эркалаб айтган ширин сўзларини, пешонангни, сочларингни силаган кафтларини, тандирдан узиб берган иссиққина патирларини қўмсамайсанми ёхуд отангнинг панду насиҳатларини соғинмайсанми? Наҳот эртанги кунингни ўйламадинг? Ота-она руҳлари сени тинч қўярмикан? Наҳот ёвуз илонларнинг заққум заҳари она Ватаннинг ширин нонидан, онаизорнинг оқ сутидан ҳам азизроқ бўлса? Она сутидай пок, даво ва дармон, она сутидай оппоқ нима бор дунёда?!

Куни-кеча дўконимиз деворида ёпиштирилган қидирув қоғозига кўзим тушиб баттарроқ нафратландим. Унда ватан кўр қилгурларнинг қидирилаётганлиги ҳақида маълумот берилган. Шу ўринда сотқинлик қилган бир фарзанд онасининг гаплари ёдимга тушди: «Менинг бундай ўғлим йўқ, ўлигини бўрилар еб кетсин.» Хўш, улар қаерга йўқолмоқда, кимлар жирканч қанотлари остига яширмоқда? Бу алам гулханларини аччиқ кўз ёшлари, фалакни титратгучи доду фарёдлар билан ўчириб бўлармикан? (Минг шукурким, улардан айримлари давлатимиздан афв сўраб, қайтишмоқда экан).

Бундай ташвишли ҳолат биз катталар, ота-оналарга лоқайд юриш ва бемалол ухлаш ҳуқуқини бермайди. Ўз ичингдан бало-қазолар чиқяптими, демак биз тарбия тизимида қаердадир, қандайдир хатоларга, камчиликларга йўл қўймоқдамиз. Бу ҳақда янада чуқурроқ, янада кўпроқ кеча ва кундуз ўйлашимиз зарур.

* * *

Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқи бошдан-оёқ ёшларга ғамхўрлик ва эътибор ҳақида бўлди. Зеро, эртамиз ва келажагимиз бўлган ёшларга давлат миқёсида кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, аввало, ота-оналар зиммасига улкан вазифалар юклайди. Демоқчиманки, юрт тинчлиги ва осойишталиги ота-онанинг фарзандига қай даражада тарбия бериши билан ҳам боғлиқдир. Гўзал тарбия — гўзал келажакдир. Ушбу шиор ҳар биримизнинг кундалик вазифамизга айлансагина, XXI аср баркамол авлод асри, Муҳаммадқодирлар асри бўлади!

**Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,**
**шоира.**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида хўжалик субъектларининг ёқилғидан фойдаланиш шартномавий муносабатларини такомиллаштиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.*

## Шартномавий муносабатларга бағишланди

Сўнгги вақтда шартномаларни ҳуқуқий меъёрларга пухта амал қилган ҳолда тузиш, улар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлаш билан бирга, кенгашда асосий эътибор бу борада йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилди.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий Хўжалик судининг мутахассислари ана шу масалаларга батафсил тўхталдилар, семинар қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

**(ЎзА).**

# ШИРКАТ МАҲСУЛОТИНИ ҚАЙТА ИШЛАСА...

Қишлоқ аҳли янгиликка қизиқувчан бўлишади. Хўжасоат қишлоғида (Олтинсой тумани) ичимлик сув учун қудуқ қазилаётганини кўриб, одамларнинг чеҳраси ёришгандай бўлди. Қишлоқда сув қувури тортилган. Лекин қудуқ йўқ эди. Қувур эса булоқ сувига уланган эмасми, булоқнинг суви озайиб ёки тўхтаб қолса, у ҳуштак чалиб ётаверарди.

«Хўжасоатда бу йил иккита ичимлик суви қудуғи ишга туширилади». Бу «Хўжасоат» ширкат хўжалиги раиси вазифасини бажарувчи Иброҳим Алимардоновнинг гапи. Одатда вазифани вақтинча бажарувчилар тортиниброқ, ўзларига ишониб-ишонмайроқ гапирадилар. Алимардонов бўлса, мен раис эмасман, вазифасини бажарувчиман, деб ўтирмади. Бор гапни айтди-қўйди: сув танқис бўлиб, бир қатор токзорлар ҳосил бермагинига қарамасдан хўжалик бултур — 1999 йилдагидан 800 тонна кўп узум етиштирди. Узум сотишдан олинган даромад 100 миллион сўмдан ошиб кетди.

Пулинг бўлса, чангалда шўрва! Беш чақирим йўлга ўз кучлари билан асфальт ётқизадилар. Сув қувурларини таъмирладилар. Ва ҳатто, узоқ тоғ қишлоғига табиий газ олиб боришни мўлжаллаяптилар. Хўжасоатликларнинг ишлари, ниятлари яхши. Фақат хўжаликнинг бош ҳисобчиси Зокирбой Зиёевнинг таъби кўзимга хирароқдай бўлиб кўринди. Сабаби...



Хўжалик олтита қайта ишловчи корхонага 45 миллион сўмлик узум сотган. Бу савдо-сотиқнинг ғалатироқ бир жиҳати бор: бир корхона, масалан, маҳсулотнинг килосини 51 сўм ёки 47 сўмдан сотиб олган бўлса, яна бошқа бир корхона 35 сўмдан ва ҳатто 20,9 сўмдан сотиб олган. Лекин ўша нархи ҳар хил узумларнинг қандлилик даражаси ва сифатида деярли фарқ йўқ.

Ўтган ишга салавот, деймиз-у бош ҳисобчининг қовоғидаги қор яна диққатимизни тортаверди. Билсак, ўша 45 миллион сўмнинг 8 миллион сўмга яқини хўжалик ғазнасига энди келиб тушибди. Қолган 37 миллион сўм насия ҳолича ҳавода осилиб турибди. Ўртадаги шартномаларнинг пулни тўлаш муддатлари кўрсатилган бандлари ижроси лозим даражада суриштирилмаяпти.

Хўжалик раҳбари (раис вазифасини бажарувчи)нинг айтишича, бу дунёда узумни қайта ишлашдан осон ишнинг ўзи йўқ. Узум идишга солинади. Ачитилади. Ниҳоят, вино масаллиғи ҳосил бўлади. Агар узум вино масаллиғи сифатида сотилса, камида икки баравар кўп даромад олишлари нақд экан...

Тоғ ёнбағирларига туташ Хўжасоат — катта қишлоқ. Саккиз минг аҳоли яшайди. Бозор иқтисодиёти бу ерга ҳам етиб келди чоғи, хўжасоатликлар ҳисоб-китобларини пухтароқ қилмоқдалар. Ҳисоб-китоб эса одамларни яхшироқ, ўйлаброқ ишлашга даъват этади.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ер юзида

**воқеалар**
**рақамлар**
**тафсилотлар**

## СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ҚАНДАЙ ЯШАЯПТИ?



**Бугун АҚШ собиқ президенти Билл Клинтоннинг Оқ уйни тарк этганлигига 18 кун бўлади. Унинг улкан зафарлари ва чуқур изтиробларига Оқ уй сабабчидек. Чунки у айнан Оқ уй сабаб дунё таниййдиган сиёсатчига айланди. Шу сабаб сўнгги 8 йил ичида АҚШ тарихида ўзига хос ўрин тутди. Ва, айнан шу сабаб Моника билан боғлиқ ишқий саргузаштларга ҳам дуч келди. Шу билан бирга у Америка тарихида импичментга тортилган икки президентнинг бири бўлди. Аммо унинг ўз сўзлари билан айтганда, президентлар ҳам шахсий ҳаётига эгадирлар. Шу ўринда бугун Б.Клинтон қандай яшаяпти, деган савол туғилиши табиий. Маълум бўлишича, у рафиқаси Ҳиллари хоним ва 21 ёшли қизи Челси билан бирга яшашмоқда. Тўғри, шу вақтгача у аниқ бир ишнинг бошини тутмаган бўлса-да, бироқ Клинтон баҳонасида мўмай даромад орттириш ишқида юрганлар унга ҳаловат беришмаяпти. Яқинда собиқ президент ҳар йили ўтказиладиган Италия қўшиқлари фестивалида қатнашиш таклифини рад этди. Б.Клинтонга бу учун 250 минг доллар ваъда қилинган эди. Ҳозирча у нимагадир 100 минг доллар ваъда қилинаётган турли анжуман ва конгрессларга ҳам иштирок этишни хоҳламаяпти. Куни кеча у ҳатто 2 миллион доллар соф даромад оладиган реклама роligига тушишдан ҳам бош тортган.**

## ПУТИН ЧУБАЙСНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

**Россия президенти Узоқ Шарқ ўлкасидаги энергетика инқирозида ўлка маъмурияти ва шу тармоқ вазирлиги ҳамда РАО «ЕЭС Россия» ширкатини кескин танқид қилди. Ушбу уч соҳа идоралари ўз вазифаларини етарлича бажара олишмаган. Яъни Узоқ Шарқ аҳолисини қишда иссиқлик билан таъминлашда шароит яратишмаган. РАО «ЕЭС Россия» ширкати электр қуввати бўйича деярли монополист бўлиб, ярим давлат ихтиёридаги улкан ширкат саналади. Унинг раиси Россияда давлат корхоналарини хусусийлаштириш муаллифларидан бири, таниқли сиёсатчи Анотолий Чубайс ҳисобланади. В.Путин РАО «ЕЭС Россия» ширкати ҳиссадорларининг йиғилишида ширкат раҳбариятидаги кадрлар масаласини мустаҳкамлаш лозимлигига ишора қилган. Президентнинг бундай йўл тутиши баъзи кузатувчиларнинг А.Чубайсни истеъфога чиқарилиши борасидаги гумонларини янада кучайтириб юборди. Негаки, шу пайтгача ҳеч бир мулозим А.Чубайс йўлига бунчалик «соя» ташламаган эди. Айни масалада Россия**



**президенти мамлакат энергетика вазирини ҳатто танқид ҳам қилмасдан, истеъфога чиқарди. Ушбу воқеа кўпгина россиялик раҳбарларни анча ҳушёр тортиб ишлашига сабаб бўлди, деб хабар беради «Интерфакс» агентлиги.**

## 214 та даъво қўзғатилди



**Аугусто Пиночетнинг адвокатлари унинг устидан суд жараёнини тўхтатиш ва уй қамоғини бекор қилиш талаби билан Сантяго шаҳар судига апелляция жўнатди. Айни пайтда А.Пиночетга нисбатан 214 даъво қўзғатилган бўлса-да, адвокатлар шифокорларнинг яқинда ўтказилган текширишлар хулосасига асосланиб, уни жазога тортилишдан сақлаб қолишга уриняпти. Шифокорларнинг хулосасига кўра, собиқ диктатор бош мияда қон айланишининг бузилишидан азият чекмоқда. Бу касаллик ақлнинг сустлашишига олиб келади.**

## Глак озод этилди



**Куни кеча «Чегара билмас шифокорлар» халқаро инсонпарварлик ташкилоти ходими Кеннет Глак озод этилди, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги. Хабарингиз бўлса, у шу йилнинг январ ойида Чечемистонда ўз фаолиятини давом эттираётган вақтда чечен жангарилари томонидан ўғирлаб кетилган эди. Россия расмийларининг маълум қилишича, Глак учун сўралган тўлов пули жангариларга берилмасдан озод этилган. Глакнинг таъкидлашича, ҳозир у ўзини яхши ҳис қилмоқда. Ҳибсда ушлаб турилган кунларида у ҳеч қандай қийноққа солинмаганлигини ҳам ўз сўзида қўшиб қўйди. Айни пайтда у Ингушетия орқали Москвага етиб келган. Маълум бўлишича, Глак ватани Америкага кетиш тайёргарлигини кўрмоқда.**

## Жакартада осойишталик

**Куни кеча Индонезия прездиенти Абдураҳмон Воҳид парламент ва аҳолининг тазйиқи ҳар қанча кучли бўлмасин истеъфо бермаслигини маълум қилди. Унинг фикрича, Халқ вакиллари кенгашининг (парламент) айбномасида далиллар етарли эмас.**

**Маълумки, парламент комиссияси махсус текширув ўтказиб, қатор молиявий товламачиликларда Абдураҳмон Воҳиднинг қўли бор, деган хулосага келган ва бу масала овозга қўйилганда, ноибларнинг кўпчилиги президентни айблашга мойиллик билдирган эди. Кўчаларда майда намойишлар бўлганини ва ҳавода вертолётлар парвоз қилиб юрганини ҳисобга олмаганда, пойтахт Жакартада ҳозирча тинчлик. Кузатувчилар воқеалар қай йўсинда ривожланиши ҳарбийларнинг қандай йўл тутишига боғлиқ, деяётган эди. Сўнгги хабарларга қараганда, ҳарбийлар президент томонида турибди.**



## Вазифадан четлатилди, аммо...

**Жорий йилнинг 20 январида Филиппин Олий суди қарори билан вазифасидан четлатилган президент Жозеф Эстрада ўзига нисбатан давом этаётган тергов ҳаракатлари тўхтатилишини талаб қилди. Мен мамлакатнинг халқ сайлаб қўйган раҳбариман ва шу сабабли ҳар қандай таъқибдан холислик мақомига эгаман, деди у. Кузатувчиларнинг фикрича, Ж.Эстраданинг бу сўзлари Филиппиннинг ҳозирги президенти Глория Арройонинг ҳукумат тепасида бўлиши қонуний эканини шубҳа остига қўяди.**

## Адвокатларнинг умиди пучга чиқди

Шотландиянинг Локерби шаҳри устида бундан ўн уч йил аввал АҚШнинг "Пан-Американ" авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёт террорчилик ҳаракати оқибатида портлаб кетганди. Ўшанда 270 нафар одамнинг ҳалокатига сабаб бўлган воқеани эронликлар уюштирган, деб гумон қилинган эди. Шундан сўнг эса мазкур террорчилик ҳаракатида ливиялик Абдулбосит ал-Миграҳий ва ал-Амин Халифа Фахима айбланди.

Дастлаб суд уларнинг айбдорлигини исботловчи етарли далилларга эга эмаслиги адвокатларнинг ғалаба қозониш эҳтимолини кучайтириб юборди. Бироқ ўтган ҳафта охирида суд бутунлай ўзгача қарорга келди. Унга кўра Миграҳий айбдор, Фахима эса бегуноҳ деб топилди. Шу тариқа ливияликларнинг ушбу жиноятда қўли борлиги тўғрисидаги гумонлар қонуний асосга эга бўлди. Бироқ икки ўртадаги "жанг"лар яна давом этадиганга



ўхшайди. Гап шундаки, Ливия томони фожеа оқибатида ҳалок бўлганларнинг қариндошлари учун товон пули тўлаши ҳам керак. Шу кунларда Ливия ҳукумати мулозимлари суд ҳукмини ҳурмат қилишларини билдириш баробарида, ўз давлатининг "Локерби иши"га мутлақо даҳли йўқлигини маълум қилишдан чарчашмаяпти. Сиз суратда кўриб турган Ливия собиқ раҳбари М.Каддафи эса суд қарорига у даражада қўшила олмаслигини маълум қилди. Бу ўз навбатида товон пули тўланиши борасидаги "ҳисоб-китоб"лар ҳали узоққа чўзилишини кўрсатиб турибди.

## Хакерлар Арафот изига тушишди



**Ўтган якшанба куни компьютер хакерлари Давос халқаро иқтисодий анжумани серверига тушиб, у ердаги энг муҳим ва керакли далилларни ўғирлаб олганлиги маълум бўлгач, кўпчилик ҳайратда қолди. Аниқланишича, компьютер «қароқчи»лари мазкур анжуманда иштирок этган 27000 нафар мулозимнинг, хусусан Фаластин раҳбари Ё.Арафот, сиёсатдан Шимон Перес, Билл Гейтс ва ҳатто БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳақидаги маълумотлар: телефон рақамлари, уларнинг кун тартиби, кредит карточкалари, электрон почта манзиллари ва бошқа кўплаб далилларни қўлга киритишган. Хабарларга қараганда, ҳозирча Швейцария ҳуқуқ тартибот органлари ушбу ўғирлик тафсилотларини аниқлаганича йўқ. Лекин улар қисқа фурсат ичида айни жиноятни фош этишнинг охирига етказишга ваъда беришган.**

**Хабарларни Ф.САНАЕВ тайёрлади.**

# ТАДБИРКОРЛАР

қолаётгани йўқ, аксинча, уларни пешма-пеш шартнома тузган ташкилотлар олиб кетишаяпти.

Қўшма корхонанинг иқтисодий аҳволи ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Агар 1999 йили 8 миллион сўм соф фойда олинган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилнинг 1 декабр ҳолатига кўра, 24 миллион сўмни ташкил этди. Одамларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 18-24 минг сўмга етди. Уларга унумли меҳнат қилиши ва яхши дам олиши учун етарли даражада шарт-шароит яратилган. Энг муҳими, бу ерда 123 киши меҳнат қилаяпти.

Қўшма корхона туман иқтисодиётининг мустаҳкамланишига ҳам муайян улуш қўшиб келаяпти. Олинаётган даромад ҳисобидан маҳаллий бюджетга ҳар ойда катта миқдорда солиқ тўланмоқда.

### Сифатли чиннилар

Шаҳар четида пишиқ ғиштдан бежирим қилиб қурилган, ҳовлиси билан қарийб бир гектар майдонни эгаллаган, атрофи панжара билан ўралган, ҳар қандай кишининг эътиборини тортадиган бир бино бор. Бу ерда чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган «Фарҳод» хусусий корхонаси жойлашган. У 1992 йили тадбиркор Муҳсин Пўлатовнинг маблағига қурилган.

Жамоа ўтган давр мобайнида катта тажриба тўплади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги, бежиримлиги билан харидорлар эътиборини қозонди. Ҳозир бошқа вилоятларда ҳам корхонанинг мижозлари мавжуд.

Цехларни айланиб, иш жараёнларини кўргач, тўғриси, тадбиркорнинг уддабуронлигига қойил қолдик. Пойтахтдан олисдаги кичкина шаҳарчада бундай мураккаб жараёнларни бажарадиган корхонани қуришнинг ўзи бўлмайди. Пиёла, чойнак, лаган каби буюмлар лойдан ясалиб, ишлов ва безаклар берилиб, пиширилиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилмоқда.

Биз қўлга киритилган муваффақият омиллари, хўжалик юритиш усуллари билан қизиқдик.

— Ишни кенг кўламда йўлга қўйишимизнинг асосий сабаби мамлакатимизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-ётганлигидадир, — деди М. Пўлатов. — Маблағ танқислигига дуч келсак, «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими ҳар доим бизга ёрдам бериб келмоқда. Шу боис, ишлаб чиқариш қуввати оширилиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажми кўпаймоқда.

Айни пайтда корхонада 42 киши банд. Уларга иш ҳақи ўз вақтида бериб борилаяпти. Чунки жамоа аҳли йилига 7 миллион сўм атрофида соф фойда олаётир. Пискентлик чиннисозлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни эса бугун республикамизнинг кўпгина вилоятларида ҳам ўз харидорларини топмоқда.

— Туманимиз бўйича 625 нафар тадбиркор фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Тадбиркорбанк» бўлими бошқарувчиси Дилшод Марипов. — Уларнинг талаб-эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, ўтган йили тадбиркорлик субъектларига 156 миллион 333 минг сўм миқдорида кредит берилди. Қувонарлиси, бултурнинг ўзида 123 киши иш билан таъминланди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ёднома

***1956 йилнинг қиш ойлари эди. Москвада Ижтимоий фанлар академиясининг аспирантиман. Ўқиш дастурига асосан ҳар бир аспирант ўз мутахассислигига хос йилига бир ойлик амалиёт ишига жалб қилиниши керак бўлар эди. Навбатдаги амалиётни республикага, яъни Ўзбекистонга бориб Ёзувчилар уюшмасида ўтказишни таклиф қилишди. Шунга биноан Тошкентга келиб Ёзувчилар уюшмасининг ишлари билан танишдим. Бу танишув жараёнида бир неча ёш ва ёши улуғ адиб, шоирлар билан учрашдим, суҳбатда бўлдим. Ёзувчилар уюшмасининг таклифи билан Ғафур Ғулом билан учрашадиган бўлдим.***

Учрашув шоир таклифига биноан, унинг уйида бўлди. Менинг боришим шоирга олдиндан маълум эди. У мени яхши кайфият билан кутиб олди. Ва иккинчи қаватда жойлашган ишхонасига таклиф қилди. Рўпарамда қатор асарлари билан оламга доңғи кетган шоир Ғафур Ғулом ўтирибди. У басавлат, елкалари кенг, юзлари хиёл чўзиқ, қирғийбурун, ўзи хушчақчақ кўринса-да, доим хаёли нима биландир банд одамдек кўринарди.

Ғафур Ғуломни мен университетда талабалик давримда бир неча бор кўрганман. У сафдошлари ни, ўзгаларга муносабатини, хусусан, бошқа жинсдошларга алоқасини изҳор қилиши керак. Шу йўсинда шеър туғилади.

Ўз тенгдошлари орасида жиддий масалалар юзасидан шу хилда ҳазил-мутойиба фикр билдириш Ғафур акага хос хусусиятлардан бири эди.

Бу сўзлардан мен ўзимча хулоса қилдим. Демак, бизга ёзувчи керак экан, шоир керак экан, деб ёшларни бурнига бурундуқ ўтказиб Ёзувчилар уюшмасига ёки бирор газета ва журнал муҳарририятига етаклаб бориш шарт эмас. Фақат кузатиш керак. Йилт этган истеъдод бўлибди, бироқ менда ва мен сингариларда нафрат, ғазаб ҳиссини уйғотган бу ибораларни унутиб бўладими?! Аксинча, бу мисраларнинг муаллифи рўпарамда ўтирганда, бу ибораларнинг кучи, қудрати яна ҳам ортгандек кўринди менга.

Чучварани еб тугатдик. Кетишга рухсат сўрадим. Шоир менга назар ташлади-да, отингиз ким, деди. Мен отимни айтдим. Фамилиямни сўради. Қўшжонов дедим. У бироз ўйланиб қолди. Маъноси нима экан, дегандек мен томон бурилди. «Ҳар ҳолда Қўшжон эмас, Қутлуғжон бўлса керак», деб қолди.

# УНУТИЛМАС ВОҚЕА

Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорлар билан бир неча бор университетга, талабалар ҳузурига келиб учрашувлар ўтказган, шеърлар ўқиган. Шеър ўқиганда унинг талаффузи, шеър ўқиш услуби ўзига хослиги билан ажралиб турарди. У ўз шеърларини ёддан ўқирди. Ўқиётиб бирор жойда тутилмас, жумлалар аниқ, сўзлар лўнда бўларди. Бутун бир шеърни у худди бир жумладек ўқиб ташларди.

Шоирни мен ўша талабалик чоғларимда Ёзувчилар уюшмасининг мажлисларида ҳам кўриб юрардим. Ҳар хил сабаблар билан йиғилган мажлисларда у биринчилардан бўлиб сўзга чиқарди. Сўзлаганда ҳам куннинг энг долзарб масалалари хусусида фикр юритар, баъзан баҳсли масалаларни ҳам ўртага ташлаб, жамоанинг фикр ва мулоҳазаларини қўзғашга сабабчи бўлар эди. Биз талабалар учун бу шоир ўз сафдошлари Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар билан бирга адабиётнинг энг юқори чўққилари ҳисобланар эдиларки, уларга биз ҳавас билан қарардик. Улар қилган хизматларининг бир қисминигина бажаришга муваффақ бўлсак, ўзимизни бахтли ҳисоблашга тайёр эдик.

Бугун шу одамнинг рўпарасида ўтирибман. У мен билан худди узоқ йиллик таниш-билишлардай, адабиётда маълум хизмати бор одамлардек муомала қилар ва адабий жараён ҳақида талайгина гапларни ўртага ташлар эди. Мен гап орасида ёш шоир ва ёзувчиларга муносабат хусусида сўз очдим. Ғафур Ғулом кўп ўйлаб ҳам ўтирмади.

— Дўстим, — деб гап бошлади у. — Бу сўз менга бироз эриш туюлди. Чунки ёшимизда фарқ катта, бунинг устига, бу улуғ шоирдан дўстим деган ҳурматли сўзни эшитишга қодир ҳисобламасдим ўзимни. У гапини давом қилдирди. — Биласизми, ўзбекнинг ҳаммаси шоир. Икки мисра шеър ёзмаган ўзбекни топиш мушкул. Борди-ю саводсиз бўлса, хиргойи қилади.

Гапини бир зум тўхтатди-да, дераза томонларга назар ташлади.

— Кўряпсизми, ҳовлида товуқлар юрибди. Анави хўрозни кўрдингизми, бирор товуқнинг ёнидан ўтиб қолса «қўқоқ-қўқоқ» дейди. Товуқлар ҳам бепарво эмас. Инсон боласи ҳам шундек. У ўзини, ўзининг борлиги- ли шоир ёки ёзувчи чиқиб қолса, унга дарров ёрдам бериш керак. Хаёлимга келган бу фикрларни маълум даражада Ғафур акага билдирдим ҳам.

— Ҳа, ҳа, ўлманг, яшанг, — деди у ҳаяжонланиб.

У ўзбек халқининг қадимий маданияти, адабиёт-санъатда тутган ўрни, умуман халқнинг сўзга нисбатан муносабатини гапира кетди.

— Бошқа жойларда айтиш мумкин бўлмаган бир гап бор. Мен сизга шуни айтиб қўяй, — деди-да, сўзини давом қилдирди. — Муллаларнинг Қуръон тиловат қилганларини эшитганмисиз? Улар матнни оддий қилиб ўқимайдилар, худди шеър ўқигандек ижро қиладилар. Шундай қилмаса таъсир кучи ҳам бўлмайди.

Ғафур Ғулом Навоий ижоди ҳақида алоҳида ҳаяжон билан гапирди ўшанда.

— Навоийни тушуниш қийин. Араб ва форсча сўзлар кўп дейишади. Навоий тенги йўқ шоир. Уни ўқишни ҳам билиш керак. Бир марта ўқиш керак, яхши тушунарли бўлмаса иккинчи марта ўқиш керак, учинчи марта ўқиш керак! У бизнинг мулкимиз. Уни эгаллашимиз керак.

Сўзлар кетидан сўзлар, фикрлар кетидан фикрлар ўртага ташланаверди.

Ғафур Ғулом бой мумтоз адабиётимиз, хусусан Навоий санъатига тегишли гапларни давом қиларди. Мен унинг сўзларидан бирортасини тушириб қолдирмасдан эшитишга ҳаракат қилардим.

Шоир адабиёт ҳақида гапираётиб, эшик томон назар ташлади. Бир дақиқа ўтар-ўтмас эшик очилиб, ундан узатилган лаганга кўзим тушди. Ғафур Ғулом ҳамон гапини давом қилдирар экан, тезлик билан ўрнидан туриб лаганни олиб келди-да, столга қўйди. Бу чучвара эди. Уни иккаламиз баҳам кўрдик. Овқат устида ҳам шоир адабиёт ҳақида гапиришдан тўхтамас эди. Мен унинг гапларини диққат билан эшитардим, бироқ хаёлимнинг бир бурчагида шоирнинг шеъри айланиб юрарди:

**«Бир кўнгиз мўйлабли,**
**Жигарранг бир мундир.**
**Истаги учун**
**Наҳотки, еримиз**
**Чаппа айланиб,**
**Наҳотки дарёлар,**
**Оқар тескари.**
**Наҳотки одамлар**
**Кезар дарбадар».**

Мен шоир олдида ўтирибман. Урушнинг тугаганига ҳам роса ўн йил

Мен бу ҳақда ўйлаб кўрмаганимни билдирдим. У мени кўчагача кузатиб қўйди. Хайрлашаётиб:

— Ўқишни битказарсиз, Тошкентга келарсиз. Ҳали кўп учрашармиз, — деди.

Дарҳақиқат, ўқишни битказиб, Тошкентга келганимдан кейин, Ғафур ака билан кўп марта учрашганман. Ёзувчилар уюшмасидаги тадбир-у, йиғинларда доим кўришганман. Унинг доим долзарб, замон билан ҳамоҳанг фикрларини эшитганман.

Урушдан кейинги йилларда филолог кадрлар жуда кам бўларди. Тил ва адабиёт институти ва олий ўқув юртларидаги тил ва адабиёт кафедраларида битта-иккита фан номзоди ё бўлар, ё бўлмасди. Шундай пайтларда илмий ва педагог кадрларни тайёрлаш долзарб масалалардан бири эди. Бироқ илмий ишларга раҳбарлик ва оппонентлик қилишга юқори унвонли мутахассислар топилавермасди. Шу боисдан Ғафур Ғулом, Ойбек — Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси сифатида кўпгина адабиётшунос, тилшунос, ҳатто тарих ва фалсафадан етилган фан номзодлари, фан докторларига раҳнамолик қилардилар. Бири раҳбар бўлса, иккинчиси оппонентлик қилар, иккинчиси раҳбар бўлса, биринчиси оппонентлик қиларди. Шу йўсинда, бу икки улуғ сиймо филолог кадрларнинг камол топишига катта ҳисса қўшганлар. Мен уларнинг иккаласини ҳам шу вазифани адо этиш пайтларида кўп кўрганман, нутқларини эшитганман, бугун уларга тасаннолар айтгим келади.

Мен олим сифатида Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби улуғ адибларнинг ижодини таҳлил қилдим. Ўзбек адабиётининг тараққиётига катта ҳисса қўшган яна бир буюк ижодкор шоир ва ёзувчи Ғафур Ғулом ҳақида камроқ ёзганман. Бунинг сабаби — мен асосан насрий асарлар таҳлили билан шуғулланганман. Ғ.Ғулом эса буюк шоир эди. Бу файласуф шоир ижодини таҳлил этиш учун шеъриятнинг теран билимдони бўлишимиз лозим. Мени ана шу андиша ҳамиша ушлаб туради.

Бироқ нимаики бўлмасин, 1956 йилда рўй берган илк учрашувим адабиёт ва ҳаёт ҳақидаги тахминан 2 соатлар давом қилган суҳбат менинг ҳаётимда унутилмас воқеа бўлиб қолди.

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,**
**академик.**

**2001 йил — Оналар ва болалар йили**



## 104 ЁШЛИ МОМОНИНГ 70 ЁШЛИ «ЭРКАТОЙИ»

Поп тумани ҳам тоққа яқин, ҳам Сирдарё бўйида жойлашгани учунми ёши улуғ кишилар анчагина. Яқинда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Рустам Исматуллаев бир пиёла чой устида уларни тўплаб, маслаҳатларини эшитди, дуоларини олди. 100 ёшдан ошганлар туманда 29 нафар экан. Уларнинг ярмидан кўпи келди. Қолганларини уйларига бориб йўқлашди. Сиз суратда кўриб турган (чапдан иккинчи) Маҳкамбувиш Деҳқонова 104 ёшга кирган. Лекин ҳали бардам: тўй-томошаларга боради, ўрни келса, кайвонилик ҳам қилади. «Кенгкўл»ликлар момонинг дуоларини олиб туришни канда қилмайдилар. Момонинг 4 ўғли, 3 қизи бор. Тўлқинбой исмли ўғли эса бу йил 70 га кирди.

**СУРАТДА:** ***туман почта бўлими бошлиғи Ўктамжон Норматов туман ҳокимлигининг совғасини топшираётган пайт.***

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.**

## «AmeziCazes»нинг мурувввати

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси яқинда АҚШнинг «Amezi-Cazes» халқаро мурувват ташкилотидан махсус болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш тизимлари учун 3,5 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги мурувват ёрдами олган эди. Турли дори-дармонлар, тиббий ашёлар, санитария ва гигиена буюмларидан таркиб топган ушбу мурувват ёрдами ўз эгалари — Қорақалпоғистон, Тошкент ва вилоятлар соғлиқни сақлаш муассасаларига топширилди. Тошкент Тиббиёт институти, 1-Республика клиник шифохонаси, Педиатрия илмий текшириш институти, Республика асаб касалликлари шифохонаси ва бир қатор шифо масканлари беғараз ёрдамдан баҳраманд бўлдилар.

**Нозимахон АСҚАРОВА.**

## Шахмат ҳангомалари

### Кишт, маликам!

84 йил умр кўрган машҳур инглиз шахматчиси Блекбери ўтган асрнинг иккинчи ярмида жаҳон чемпионлигига асосий талабгорлардан бири бўлган. Айни пайтда у ажойиб комбинациялари билан донг таратган эди. Блекбери тахтага қарамай ўйнавериб, мия чарчоғи туфайли «вос-вос» касалига мубтало бўлиб қолди. Назарида ер юзи шахмат тахтасига айланиб, ўзини эса ҳар хил далаларда ҳис эта бошлади.

Кунларнинг бирида у нотаниш бир кишининг қўлини маҳкам тутиб.

— Юришингиз хато, тўрт юришда мот қиламан! — деб бақиради. Яна бир сафар нотаниш хонимга қараб:

— Кишт, маликам! — деб ўтакасини ёради.

— Яхшиямки, — деб ёзади ана шу мия чалғишлари ҳақидаги мақоласида Блекбери, — бирор марта ҳам ўзимни от қиёфасида тасаввур этмабман.



**Ўзингизни синаб кўринг:** оқлар бошлаб 4 юришда мот қилади.

### Дурангга қалайсиз?

Жаҳон чемпиони Ласкер Бостонда бир неча тахтада бир йўла шахмат ўйнаётганида бир рақибининг аҳволи жуда танг бўлиб қолди. Лекин у бўш келмай: «Дурангга, қалайсиз, доктор», деди. Унинг ишонч билан гапириши Ласкерга ёқиб тушдида, дурангга рози бўлди. «Аттанг, унга таслим бўл, десам бўлар экан», деб афсусланди ўзига бино қўйган ҳалиги шахматчи.

### Наҳотки

Австралиялик гроссмейстр Карл Шлехтер XX аср бошларида жаҳон чемпионлигига асосий даъвогарлардан эди. У ниҳоятда камтар киши бўлиб, ўртага ҳеч пул қўйиб шахмат ўйнамаган. Бир куни танимайдиган чет эллик бир жаноб К.Шлехтерга ҳар қайси учрашув учун 10 крондан ўйнашни таклиф қилди. Гроссмейстр аввал ўзини таништиргач:

— Наҳотки, мендан зўрроқ ўйнасангиз? — дейди ажабланиб.

**Мамажон МУҲИДДИНОВ.**

## Жумбоқ

**Қуйидаги бешта сурат сочиб юборилган. Улар аслида битта сюжетни ифодалайди.**



**Ундан бохабар бўлмоқ учун суратларни тартиб билан ўрни-ўрнига қўйиб чиқиш керак, холос.**

**Кечаги жумбоқнинг жавоби: Секундант ҳақ.**

Йигитлар ўзлари турган томондан қаршига ўгирилганларида, аслида, бир-бирига қараб турган бўладилар ва бемалол ўқ отишлари мумкин.

Бунга Фарғона «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик уюшмасининг бўлими бошлиғи Йигитали Ўсаровдан бошқа ҳеч ким тўғри жавоб тополмади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТИББИЙ ТИКЛАШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

**Бўлим мудири (т.ф.д., т.ф.н.):**
- ҳазм қилиш аъзолари хасталиклари бўлими.

**Катта илмий ходимлар (т.ф.д., т.ф.н.):**
- махсус ва ташхис усуллари бўлими (3);
- ҳаракат-таянч аъзолари хасталиклари бўлими.

*Танлов муддати эълон қилингандан сўнг 1 ой.*

**Ҳужжатларни юбориш учун манзил: 700084, Тошкент ш., Хуршид кўчаси, 4-уй.**

**ТЕЛЕФОНЛАР: 34-55-00, 34-30-77, 34-34-10.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори

**Жангабай МАМУТОВнинг**

бевақт вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бош мутахассиси Зумрад Қодировага падари бузруквори

**Ғулом ҚОДИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси «Умумий ва аналитик кимё» кафедраси мудири, доцент Абдухалил Жалиловга падари бузруквори

**ЖАЛИЛ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2115, 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВлар томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.30*
1 2 3 4 5 6